



## THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND UNESCO: A NEW PAGE IN RELATIONS

**Mamurakhan A. Alisherkhojaeva (Asrorkhojaeva)**

Doctoral student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [khubsurat@mail.ru](mailto:khubsurat@mail.ru)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** New Uzbekistan, UNESCO, cultural diplomacy, science diplomacy, heritage diplomacy, World Heritage List, The Khiva process, The Tashkent Declaration.

**Received:** 11.05.23

**Accepted:** 13.05.23

**Published:** 15.05.23

**Abstract:** Modern international relations show the relevance of multilateral diplomatic relations more than ever due to its extreme variability and the emergence of new demands on various fronts. The multilateral cooperation of the Republic of Uzbekistan within the framework of UNESCO clearly shows its importance in a period full of unexpected threats. The evolution of cooperation between the parties is considered the result of establishing a high-level cooperation practice in the modern era, and its study and the activation of scientific research in this regard are of scientific and practical importance for the future. The article examines the new era of UNESCO-Uzbekistan relations through scientific and heritage diplomacy prisms and analyzes the legal foundations of mutual relations.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЮНЕСКО: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

**Маъмурахон А. Алишерхўжаева (Асрорхўжаева)**

Докторант

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [xubsurat@mail.ru](mailto:xubsurat@mail.ru)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, ЮНЕСКО, маданий дипломатия, илмий дипломатия, мерос дипломатияси,

**Аннотация:** Замонавий халқаро муносабатлар ўзининг ўта ўзгарувчанлиги, турли жабҳаларда янгидан-янги талаблари юзага келаятигани билан ҳар қачонгидан

Умумжаҳон мероси рўйхати, Хива жараёни, Тошкент декларацияси.

кўпроқ кўп томонлама дипломатик алоқаларнинг долзарблигини кўрсатиб бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиги келтирилган кутилмаган таҳдидларга бой бўлган даврда аҳамиятини яққол намоён этмоқда. Томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг эволюцияси замонавий даврдаги юқори даражадаги ҳамкорлик амалиёти йўлга қўйилиши натижаси ҳисобланиб, уни ўрганиш, бу борада илмий тадқиқотларни фаоллаштириш кейинги истиқбол учун ҳам илмий ҳам амалий аҳамият касб этади. Мақолада ЮНЕСКО-Ўзбекистон муносабатларининг янги даври илмий дипломатия, мерос дипломатияси призмалари орқали кўриб чиқилиб, ўзаро муносабатларнинг қонуний асослари таҳлил қилинади.

## РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН И ЮНЕСКО: НОВАЯ СТРАНИЦА ВЗАИМООТНОШЕНИЙ

*Маъмурахон А. Алишерходжаева (Асрорходжаева)*

*докторант*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [khubsurat@mail.ru](mailto:khubsurat@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, ЮНЕСКО, культурная дипломатия, научная дипломатия, дипломатия наследия, Список всемирного наследия, Хивинский процесс, Ташкентская декларация.

**Аннотация:** Современные международные отношения как никогда демонстрируют актуальность многосторонних дипломатических отношений в силу их крайней изменчивости и появления новых требований на различных фронтах. Многостороннее сотрудничество Республики Узбекистан в рамках ЮНЕСКО наглядно показывает свою значимость в период, полный неожиданных угроз. Эволюция сотрудничества сторон рассматривается как результат становления практики сотрудничества высокого уровня в современную эпоху, а ее изучение и активизация научных исследований в этой связи имеют научное и практическое значение для будущего. В статье рассматривается новая эра отношений ЮНЕСКО-Узбекистан сквозь призму научной дипломатии и дипломатии

наследия, а также анализируются правовые основы взаимоотношений.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масалалари Ўзбекистон маданий дипломатиясининг бош омилига айланиб, Республиканинг янги маданий қиёфаси, ютуқлари ва жозибасини халқаро даражада кенг тарғиб қилиш орқали ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларга эришиш вазифалари устуворликка айланди. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги замонавий ижобий ижтимоий-сиёсат олиб борилаётганини ЮНЕСКО тарафи ҳам эътироф этаётганини, қолайверса, ҳозирда, Ташкилот ваколатининг ҳамма соҳасида муносабатларнинг “мисли кўрилмаган даражага” етганини сўнгги расмий хабар ва ахборотлар орқали кўриш мумкин[1],

### 1 жадвал

| <b>Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатларини ривожлантириш мақсадида 2017 йилдан 2023 йилгача қабул қилинган айрим ҳуқуқий ҳужжатлар</b> |                                                                                                                                                                                                               |                                   |                            |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|----------------------------|
| <b>№</b>                                                                                                                            | <b>Ҳужжат номи</b>                                                                                                                                                                                            | <b>Ҳужжат шакли</b>               | <b>Қабул қилинган йили</b> |
| 1                                                                                                                                   | Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида                                                                                                             | Президент Қарори – ПҚ-4038-сон    | 2018 йил 28 ноябрь         |
| 2                                                                                                                                   | ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида                                                                                                           | Вазирлар Маҳкамаси Қарори 957-сон | 2018 йил 26 ноябрь         |
| 3                                                                                                                                   | <u>Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича (ЮНЕСКО) доимий ваколатхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида</u> | Президент Қарори – ПҚ-3957-сон    | 2018 йил 3 октябрь         |
| 4                                                                                                                                   | <u>Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида</u>                                                                    | Вазирлар Маҳкамаси Қарори 265-сон | 2019 йил 30 март           |
| 5                                                                                                                                   | <u>Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида</u>                                                                          | Вазирлар Маҳкамаси Қарори 814-сон | 2020 йил 29 декабрь        |
| 6                                                                                                                                   | <u>ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси котибияти фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида</u>                                                              | Вазирлар Маҳкамаси Қарори 92-сон  | 2020 йил 18 февраль        |

|                                    |                                                                                                                                                       |                                                |                             |
|------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|-----------------------------|
| 7                                  | <u>Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида</u> | Вазирлар<br>Маҳкамаси Қарори<br>119-сон        | 2021 йил 3 март             |
| 8                                  | <u>ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси котибияти фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида</u>                            | Вазирлар<br>Маҳкамаси Қарори<br>90-сон         | 2022 йил 26 февраль         |
| <b>Халқаро миқёсдаги тадбирлар</b> |                                                                                                                                                       |                                                |                             |
| <b>№</b>                           | <b>Тадбир номи</b>                                                                                                                                    | <b>Ўтказилган жойи</b>                         | <b>Ўтказилган вақти</b>     |
| 1                                  | Халқаро мақом санъати форуми                                                                                                                          | Шаҳрисабз шаҳри                                | 2018 йил 6-10 сентябрь      |
| 2                                  | Халқаро бахшичилик санъати фестивали                                                                                                                  | Термиз шаҳри                                   | 2019 йил 5-10 апрель        |
| 3                                  | “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали                                                                                                    | Марғилон шаҳри                                 | 2019 йил 11-13 июль         |
| 6                                  | “Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин ва маданият”                                                                      | Тошкент, Термиз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари | 2019 йилнинг 22 – 27 август |
| 4                                  | “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивали                                                                                                        | Самарқанд шаҳри                                | 2019 йил 26-30 август       |
| 5                                  | Халқаро ҳунармандчилик фестивали                                                                                                                      | Қўқон шаҳри                                    | 2019 йил 10-15 сентябрь     |
| 7                                  | “Марказий Осиё дунё цивилизациялари чорраҳасида” Халқаро маданият форуми                                                                              | Хива шаҳри                                     | 2021 йил 14-15 сентябрь     |
| 8.                                 | Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича II Бутунжаҳон конференцияси                                                                      | Тошкент шаҳри                                  | 2022 йил 15-18 ноябрь       |

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 8-9 октябрь кунлари Францияга расмий ташриф доирасида ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот бош директори Одри Азуле билан ҳамкорлик музокаралари олиб бориши икки томонлама муносабатлар йўлида янги саҳифани бошлаб берди. Учрашув сўнггида Шавкат Мирзиёев ва Одри Азуле Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастурини имзолади[2]. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 26 августда Самарқанд шаҳрида Одри Азулени қабул қилиб, унда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этилди. Одри Азуленинг ушбу нуфузли халқаро институт бош директори сифатидаги мазкур илк ташрифи 2018 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган учрашувнинг мантикий давоми экани, шунингдек, устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида томонларнинг интилиши қатъий эканидан далолат бериши таъкидланди. Ушбу Учрашувда кенг қўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси

қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Демак, ўзаро муносабатларнинг янги даври айнан шу Дастур назоратида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон учун биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Ўрганилган адабиётлар таҳлили ҳам – маданий дипломатиянинг ривожидан давлатнинг халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши, умуман, дипломатик соҳани ҳаракатга келтирувчи уникал восита эканлигини кўрсатди[3]. Шу билан бирга, жаҳоннинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ва жалб этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида ҳозирги вақтда 8 ЮНЕСКО кафедралари фаолият юритмоқда. ЮНЕСКО кўмагида мамлакатимизда “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, хунармандчилик фестиваллари, Мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Истиқболда ўзаро муносабатларнинг изчиллик билан янги босқичга кўтирилиши натижасида ЮНЕСКО раҳнамолигида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида катта халқаро анжуманларни ташкил этиш режалаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йил, яъни 2021 йилда Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Марказий Осиё минтақасининг кўҳна ва бой маданий меросига бағишлаб “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форуми ўтказилди[4]. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилот билан муносабатларнинг янги давридаги ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган миллий ва халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек, халқаро тадбирлар қўламининг янги шакл ва мазмунда, яъни Ўзбекистондаги илгари ўтказилмаган шаҳарлар маданияти, мероси ва анъаналарини кенг тарғиб этилиши асносида ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб жойлашган ва мавжуд бўлган моддий маданий меросга ниҳоятда катта эътибор ва давлат даражасида ҳимоя тенденцияси яққол кўзга ташланди. Масалан, маданий мерос объектларини асраш ва фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини nobud қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш жиноий жавобгарлик даражасига етказилди, энг асосийси, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланадиган бўлди, уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий

мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

«Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида кўра Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси асосида «..... маданий меросимизни ҳимоя қилишга қаратилган фаол чора тадбирларни босқичма босқич амалга ошириш, қолайверса, бу соҳада замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш» мақсадида янги Туризмни ривожлантириш ва Маданий мерос вазирлиги ташкил этилди. Навбатдаги Қарорга[5] мувофиқ эса, Маданият вазирлиги тизимидаги Маданий мерос департаменти барча ҳуқуқ мажбуриятлари билан Маданий мерос агентлиги ворислигига ўтказилиб, агентликни янги вазирликка бириктирилди. Ушбу Агентлик қошидаги «Мерос чашмаси» давлат унитар корхонаси ҳамда Маданият вазирлиги «Маданий меросни таъмирлаш ва тиклаш» унитар корхоналари ҳуқуқ ва мажбуриятларига Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ворис этиб тайинланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хориждаги Ўзбекистон маданий бойликларини ўрганиш маркази эса тўлиқ Маданият вазирлиги тизимига ўтказилди. Шу ўринда имзоланган муҳим қарорлар орасида яна бир алоҳида бўғин – ЮНЕСКОнинг қабул қилган Тошкент декларацияси ҳам ушбу даврнинг муҳим қарорларидан ҳисобланади. Декларация Эрта ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган.

## ХУЛОСА

Юқоридагиларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда маданий меросни муҳофаза қилиш кучайганини исботлайди. Қонунчилик ҳужжатларидаги давомий мукаммаллаштириш жараёнлари эса бу жараённинг фаол илдамланаётганини тасдиқлайди. Бу фикрни янада мустаҳкамлаш учун қонунчиликда ҳозирга қадар қабул қилинган энг муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида сўнг уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитасининг” қабул қилиниши - маданият соҳасида Ўзбекистон давлат сифатида фаолиятининг хусусиятларини, шунингдек, соҳада янги ютуқлар, ўзгаришларга ва ислохотларнинг амалга ошишига туртки бўлди. Агар ЮНЕСКО ва Ўзбекистон кўп томонлама муносабатлари ривожланиши ва шаклланишига назар солинса, асосий соҳа – давлатимиз маданий дипломатиясининг яққол моделини кузатиш мумкин. Ташқи сиёсатнинг ҳар қандай



йўналиши эса, давлатнинг ички сиёсати, манфаатлари ва имкониятларига асосланади. Шу нуктаи назардан, маданий соҳанинг том маънода ривожланиши, тикланиши ва халқаро миқёсда танитилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш қаратилган ягона ҳуқуқий базани яратиш, миллий маданиятимизнинг замонавий медиа маконда муносиб ўрин эгаллаши, унга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий эттириш, қолайверса, соҳанинг турли тармоқ ва йўналишларини илмий тадқиқ этиш ва ўрганиш ва халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилиш мақсадида қонунчиликда ўзига хос ҳужжат яратилди ва Шавкат Мирзиёев томонидан қарор қилинди[6]. Аввало, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этишни талаб даражасида йўлга қўйиш, асрлар давомида шаклланган юксак ўзбек маънавий қадриятлари ва моддий ҳамда маънавий меросини асраб-авайлаш уни дунё маданияти билан уйғунлигини мустаҳкамлаш ва унинг ажралмас бир қисми сифатида ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий майдонда эгаллаган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш йўлида ва шу ўринда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари ҳуқуқий соҳасида ҳам Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқланиши муҳим амалий қадам бўлди.

Умуман, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари ҳар бир даврда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг мақсадлари ва дастурларида кўзда тутилган вазифаларда фаол ўринга эга бўлиб келган. Агар Совет Иттифоқи даврида мамлакатимиз тарихини ушбу ташкилот билан танитиш масалалари устувор бўлгани, 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, ташкилий тадбирлар кенг амалга оширилганини англаш мумкин бўлса, 2016 йилдан бошлаб ЮНЕСКО раҳнамолигида Ўзбекистон ҳудудларининг халқаро миқёсда кенг тарғиб этилиши ва бу жараёнларда маданият, туризмнинг ўзаро боғланиши ва иқтисодий дипломатия билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани тенденцияси кузатилмоқда. Янги давр Ўзбекистон ва ЮНЕСКО дипломатик алоқалари, маданий тарихий меросни муҳофаза этиш ва танитиш учун янги рух бағишлагани, илмий ва мерос дипломатияси каби янги трендларнинг эса амалиётдаги натижаларини кузатишга имкон бераётгани аниқланди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bright Partnership for Quality Education in Uzbekistan: Uzbekistan and UNESCO's Joint Efforts. Available at: <https://en.unesco.org/news/bright-partnership-quality-education-uzbekistan-uzbekistan-and-unescos-joint-efforts>

2. The President of Uzbekistan met with the head of UNESCO. Av. at: <https://president.uz/uz/lists/view/2075> (accessed 08.10.2018.).
3. Sayfullayev, D. Cultural Diplomacy of Uzbekistan and Shanghai Cooperation Organization in the Framework of the Shanghai Cooperation Organization (SCO).
4. Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the 75th session of the United Nations General Assembly. Available at: <https://president.uz/en/lists/view/3851> (accessed 23.09.2020).
5. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, <https://lex.uz/docs/4828880>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2018 йилдаги ПҚ-4038-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4084926>.